

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/05.05.2023.Tib.30.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ХЎШМУРОДОВА МЕХРГИЁ АЛЛАЯРОВНА

ЧАҚАЛОҚЛАР ВА ЭРТА ЁШДАГИ БОЛАЛАРДА БИЛИРУБИН
ЭНЦЕФАЛОПАТИЯСИНИНГ КЛИНИК-НЕВРОЛОГИК
АСОРАТЛАРИ

14.00.13 – Неврология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Хўшмуродова Меҳргийё Аллаяровна

Чақалоқлар ва эрта ёшдаги болаларда

билирубин энцефалопатиясининг

клиник-неврологик асоратлари..... 3

Хўшмуродова Меҳргийё Аллаяровна

Клинико-неврологические осложнения

билирубиновой энцефалопатии у новорождённых

и у детей раннего возраста..... 25

Khushmurodova Mekhrgiyo Allayarovna

Clinical-neurological complications

of bilirubin encephalopathy in children

of the newborn and infants..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 52

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/05.05.2023.Tib.30.04 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ХЎШМУРОДОВА МЕХРГИЁ АЛЛАЯРОВНА

ЧАҚАЛОҚЛАР ВА ЭРТА ЁШДАГИ БОЛАЛАРДА БИЛИРУБИН
ЭНЦЕФАЛОПАТИЯСИНИНГ КЛИНИК-НЕВРОЛОГИК
АСОРАТЛАРИ

14.00.13 – Неврология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.3.PhD/Tib3824 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифанинг (www.tma.uz) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталининг (www.ziyonet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Маджидова Якутхон Набиевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Таджиев Мирхотам Мирхошимович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Джурабекова Азиза Тахировна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Бухоро давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/05.05.2023.Tib.30.04 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «___» _____ куни соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй, Тел./факс: +998(78)150-78-25, e-mail: info@tma.uz).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: +998(71)214-82-90

Диссертация автореферати 2025 йил «___» _____ да тарқатилди.

(2025 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

Р.Ж. Матмуродов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Р.Б. Азизова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Д.К. Хайдарова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт
фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда сариқлик янги туғилган чақалоқларда кўп учрайдиган муаммолардан бири ҳисобланади. Муддатида туғилган чақалоқларда 60% ва муддатидан олдин туғилган чақалоқларнинг 80%да ҳаётининг биринчи ҳафтасида сариқлик ривожланади. Гипербилирубинемияда билирубиннинг асосий миқдори бош миянинг чуқур ўзакларида тўпланиш хусусияти ҳозиргача тўлиқ аниқланмаган. Билирубиннинг тўпланиши натижасида базал ганглий, гипоталамус, мия устунининг ўзаклари (окуломотор, кохлеар, вестибулар ўзаклари) ва мияча сариқ ранг олади. Неонатал сариқлик ўткир билирубин энцефалопатияси асорати хорио-атетоид болалар церебрал фалажлигига олиб келиши натижасида морбид ва преморбид ҳолатига сабаб бўлади. Чақалоқларнинг ҳаётига таҳдид соладиган ушбу ўткир ҳодисанинг патофизиологияси ва унинг ўзак сариқлигигача ривожланиши мумкинлиги ҳали ҳам яхши ўрганилмаган.

Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, дунёда оғир неонатал сариқлик ва унинг асоратларининг янги туғилган чақалоқлар гуруҳи орасида тарқалиши 8,31 дан 31,49% гача, энг юқори фоиз Африка минтақасида кузатилган, ўткир билирубин энцефалопатияси билан зарарланиш Шарқий Ўрта ер денгизи давлатлари 22,73% ва Африка мамлакатларида 14,51% энг юқори кўрсаткичда аниқланган. Сариқлик билан боғлиқ чақалоқлар ўлими Шарқий Ўрта ер денгизи, Африка, Жануби-Шарқий Осиё ва Европа минтақаларида мос равишда 13,02%, 7,52%, 2,01% ва 0,07% ни ташкил этди¹. Оғир билирубин энцефалопатиянинг асорати ногиронликка олиб келиши дунёдаги мамлакатлар аҳолиси орасида учраш даражаси юқоридир.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, тиббиёт соҳасини жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, турли соматик касалликларни эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олишга қаратилган муайян чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясининг етти устувор йўналишига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «...бирламчи тиббий-санитария хизматида аҳолига малакали хизмат кўрсатиш сифатини яхшилаш...»² каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан, чақалоқлар ва эрта ёшдаги болаларда билирубин энцефалопатиясини эрта ташхислаш, асоратларини олдини олиш, даволаш самарадорлигини ошириш борасидаги тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Мамлакатимизда патологик сариқлик ва унинг асоратларини олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Она ва бола соғлиғини муҳофаза қилиш эса миллий соғлиқни сақлаш тизимининг асосий устувор йўналишларидан бири бўлиб қолмоқда.

¹ WHO. <https://pmc.ncbi.nlm.nih.gov/articles/PMC10253859/>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023-йил 8-сентябрдаги 296-сонли «Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари» тўғрисидаги қарори. (<https://lex.uz/uz/docs/6598641>)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 майдаги ПФ–134-сон «2022—2026 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш бўйича миллий дастурни тасдиқлаш тўғрисида» фармонлари, 2018 йил 18 декабрдаги ПҚ–4063-сон «Юқумли бўлмаган касалликлар профилактикаси, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2023 йил 8 сентябрдаги ПҚ–296-сонли «Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари» тўғрисидаги қарорлари, ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларга мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Патологик сарикликнинг асоратлари ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларда болалар орасида ногиронлик ва ўлимнинг асосий сабабларидан бири бўлиб, янги туғилган чақалоқларнинг доимий скринингига қарамай давом этмоқда. Патологик сарикликнинг клиник шакллари ва унинг асоратларидан бири билирубин энцефалопатиясининг кечиши ва бош миyaning зарарланиш патофизиологияси тўлиқ ўрганилмаган. (Greco C, Arnolda G, Boo NY, Iskander IF, Okolo AA, Rohsiswatmo R, 2016). Билирубин токсиклигининг асосий патофизиологияси ва ушбу касалликнинг мавжуд даволаш усуллари такомиллашишга қарамай, афсуски, билирубин энцефалопатияси бутун дунёда қайд этилган, Мамлакатимизда ҳам касаллик аниқланган ва ногиронликка сабаб бўлмоқда, аммо ривожланган мамлакатларда ўзак сариклиги билан касалланиш диапазони 40000 нафар чақалоқлардан 1 нафарни ташкил қилади. Швециянинг яқинда эълон қилинган ҳисоботида, қон куйиш керак бўлган экстремал гипербилирубинемия билан касалланиш 100000 нафар чақалоқлардан 50 нафарини ташкил этган. (Olusanya BO, Osibanjo FB, Slusher. 2022.). Патологик ва прогрессив билвосита гипербилирубинемияни кечиктирилган диагностикаси ва даволаш доимий неврологик етишмовчиликка олиб келиши мумкин, бу билирубин энцефалопатия (БЭ) сифатида тавсифланади. (Sayabyab R, Ramanathan R. 2019) Ушбу касалликнинг асосий муаммолари қуйидагилардан иборат: марказий асаб тизимининг шикастланиши, эшитиш, кўриш, стоматологик, мотор ва нутқ бузилишлари. Гипербилирубинемия ва унинг клиник оқибатлари, ЎБЕ ва кейинчалик ўзак сариклиги ривожланиши аниқланган (Гаджизаде Г.Х. 2020, Н.В., Самухина О.Ф., Сысоева И.Ф. 2018).

Манбаларга кўра, адабиётларда билирубин энцефалопатияси ва ўзак сариклиги билан боғлиқ клиник ва ҳатто патанатомик текширувлар ҳам аниқланди. Билирубин энцефалопатиясида нейронал асоратларини келтириб чиқариши мумкин бўлган оғир гипербилирубинемияда билирубин микдори

(>20мг/дл) бўлганда кузатилади. (Барановская И.Б., Бойко Н.В., Самохина О.Ф., Сыроева И.Ф. 2018.).

Ўзбекистонда неонатал сариклик ва унинг патологик кечиши натижасида билирубин энцефалопатияси ва унинг асоратлари чақалоқлар орасида ногиронликка сабаб бўлмоқда. Билирубин энцефалопатиясини ўрганиб, уни келтириб чиқарувчи хавф омиллари: ҳомиладорликнинг даврининг патологияси, ҳомила ичи инфекцияси, тана вазнининг камлиги, гемолиз, сепсис, кефалогематома ёки асфиксия таъсирида билирубин энцефалопатияси ривожланиши аниқланган (Абдурахманова Ф.Р., Салихова К.Ш., Ишниязова Н.Д., Агзамходжаева Б.У., Умарова Л.Н. 2022). Шундай қилиб, ҳозирги кунда чақалоқлар ва эрта ёшдаги болаларда билирубин энцефалопатиясининг клиник-неврологик асоратлари кузатилмоқда, билирубин энцефалопатиясининг ривожланиш хавф омиллари ва кечиш хусусиятларини аниқлаш, эрта ташхислаш ва асоратларини олдини олиш усулларини ривожлантиришни талаб қилади, шу сабабли эрта ташхислаш ва даволашни оптималлаштириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда (Абдурахмонова Г.Е., Абдукадилова А.С., Айтбаева Ф.А. 2016).

Билирубин энцефалопатиясининг ривожланиш омилларини очиб бериш, клиник-неврологик хусусиятларини ўрганиб, кечишини, оғирлик даражасини баҳолаш, бош миянинг биоэлектрик фаоллигини аниқлаш, ҳамда касалликнинг патогенези, профилактикаси ҳақида кўпроқ тадқиқотлар олиб бориш керак.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент Тиббиёт академияси илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №5436-012000260 Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг турли гуруҳлари саломатлик кўрсаткичлари тиббий-биологик, ижтимоий-гигиеник, экологик ва бошқа ҳаёт тарзи омиллари таъсири ва аҳоли саломатлиги кўрсаткичларини яхшилашга қаратилган тадбирларни ишлаб чиқиш орқали мажмуавий ўрганиш (2018-2022 йй.) мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади чақалоқлар ва эрта ёшдаги болаларда билирубин энцефалопатиясининг клиник-неврологик хусусиятларини ўрганиб, ташхислаш мезонлари ва оптимал терапиясини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

чақалоқлар ва эрта ёшдаги болаларда билирубин энцефалопатиянинг ривожланиш хавф омилларини очиб бериш;

янги туғилган чақалоқлар ва эрта ёшдаги болаларда билирубин энцефалопатиясининг клиник-неврологик ҳолати ва психомотор ривожланишининг хусусиятларини баҳолаш;

чақалоқлар ва эрта ёшдаги болалар билирубин энцефалопатиясида бош миянинг биоэлектрик фаоллигини аниқлаш;

чақалоқлар ва эрта ёшдаги болаларда билирубин энцефалопатиянинг ривожланишида нейротрофик оқсилларнинг аҳамиятини аниқлаш;

чақалоқлар ва эрта ёшдаги болаларда билирубин энцефалопатиянинг давосини самарадорлигини баҳолаш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2022-2024 йилларда Сурхондарё вилоят перинатал маркази ва Сурхондарё вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказларининг чақалоқлар патологияси ва реанимацияси бўлимидаги 100 нафар билирубин энцефалопатияси бўлган болалар танлаб олинди.

Тадқиқотнинг предмети. Чақалоқлар ва эрта ёшдаги болаларда билирубин энцефалопатиясининг клиник-неврологик текшируви, баҳолаш шкаллари: Апгар, BIND, Крамер, KSD, шунингдек Бейли шкаласи, умумий қон таҳлили, биокимёвий ва нейронспецифик оксиллари миқдорини аниқлаш учун периферик қон олинди.

Тадқиқотнинг усуллари. Клиник-неврологик статусини баҳолаш (Апгар, Крамер, BIND, KSD шкаласи), Текширувга олинган болаларда психомотор ривожланиш динамикасини текшириш. (Бейли шкаласи). Лаборатор текширувлар: умумий қон таҳлили, биокимёвий таҳлили: умумий билирубин миқдори (боғланган, боғланмаган билирубин), нейронспецифик оксиллар, нейросонография, ЭЭГ ва статистик усуллар.

Тадқиқотнинг илмий янгилigi қуйидагилардан иборат:

чақалоқлар ва эрта ёшдаги болаларда билирубин энцефалопатиясининг ривожланишида пренатал, антенатал ва постнатал хавф омилларининг биргаликдаг таъсири касалликнинг клиник кечиши ва оғирлик даражасини баҳолашдаги аҳамияти исботланган;

чақалоқлар ва эрта ёшдаги болалар билирубин энцефалопатиясида неврологик бузилишларни баҳолаш BIND ва KSD шкаллари билан лаборатория кўрсаткичлар, яъни қондаги билирубин даражаси ўртасидаги корреляцион боғланишлари асосида эрта ташхислаш, хавфни стратификация қилиш, беморларни динамик ва клиник жиҳатдан прогностлаш аҳамияти аниқланган;

клиник-неврологик (BIND, KSD), нейрофизиологик (НСГ, ЭЭГ) ва нейробиокимёвий (NSE, S100) кўрсаткичлари асосида чақалоқларда билирубин энцефалопатиясининг ривожланишида марказий асаб тизими зарарланишини ифодаловчи дастлабки прогностик маркёрлар аниқланган;

чақалоқлар ва эрта ёшдаги болаларда билирубин энцефалопатиясининг ривожланиш хавф омиллари, клиник-неврологик ва нейробиокимёвий кўрсаткичлар асосида эрта ташхислаш мезонлари такомиллаштирилганлиги аниқланган;

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

чақалоқлар ва эрта ёшдаги болалар билирубин энцефалопатиясида бош миyanинг зарарланиш даражасини баҳолашда нейронспецифик оксиллар: NSE, S100ни қондаги миқдорини аниқлаш тавсия этилган;

хавф омилларини стратификация қилиш, динамик ва клиник кузатув билирубин энцефалопатияси прогностини аниқлаш учун тавсия этилган;

чақалоқлар ва эрта ёшдаги болаларда билирубин энцефалопатиясининг асоратларини олдини олиш ва аниқлаш мақсадида эрта ташхислаш мезонлари ишлаб чиқилган;

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотда замонавий усул ва ёндашувлардан фойдаланиш, назарий маълумотларнинг олинган натижаларга мувофиқлиги, ўтказилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, кўшимча клиник, неврологик, нейрофизиологик усуллардан фойдаланиш, текширилган беморлар сонининг етарлилиги билан тасдиқланади. Статистик таҳлил усуллари асосида клиник-неврологик, психомотор ривожланиш ва ташхислаш мезонларини ривожлантириш шунингдек, уларни халқаро ва маҳаллий тажриба билан таққослаш, ваколатли органлар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, чақалоқлар ва эрта ёшдаги болалар билирубин энцефалопатиясида нейронспецифик оксилларнинг қондаги миқдори касалликни оғирлик даражаси ва асоратини прогнозлашда, ишлаб чиқилган ташхислаш мезони ва даволашни оптималлаштириш касалликнинг эрта ташхислаш, даво самарадорлигини ошириш ва касаллик асоратларини ривожланишини олдини олиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, клиник-неврологик асоратларни эрта ташхислаш ва олдини олиш натижасида ногиронлик, стационар ва амбулатор даволаш учун сарфланган моддий харажатларни камайтириш, шунингдек неонатологларга, болалар неврологи ва умумий амалиёт шифокор-педиатрларига билирубин энцефалопатиясини эрта ташхислаш ва даволаш протоколини оптималлаштиришга ёрдам бериш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. чақалоқлар ва эрта ёшдаги болаларда билирубин энцефалопатиясининг хавф омилларини аниқлаш, эрта ташхислаш усуллари, клиник кечиш босқичлари ва асоратларини ўрганиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

биринчи илмий янгилик: чақалоқлар ва эрта ёшдаги болаларда билирубин энцефалопатиясининг ривожланишида пренатал, антенатал ва постнатал хавф омилларининг биргаликдаги таъсири касалликнинг клиник кечиши ва оғирлик даражасини баҳолашдаги аҳамияти исботланганлиги бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академияси Термиз филиали Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 17 октябр №83/24 сон билан тасдиқланган «Неонатал ва постнатал даврдаги болаларда билирубин энцефалопатиясининг ташхислаш усуллари» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникасида 29.12.2024 йилдаги №179 сонли буйруғи билан ва Сирдарё туман тиббиёт бирлашмасининг 23.10.2024 йилдаги №901-9-128-ТБ/2024 сонли буйруғи билан амалиётга жорий этилган. (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 22 майдаги №18/66 сонли хулосаси) *Ижтимоий самарадорлиги:* билирубин энцефалопатиясига олиб келувчи энг муҳим этиологик омиллар ва хавф омилларини аниқлаш ёрдамида жамиятда касалликни ривожланишини олдини олиш чора тадбирлари ва соғлом она ва соғлом бола татбиқи асосида жамиятда соғлом турмуш тарзи, ташқи муҳитнинг ножўя таъсирларини олдини олиш ва

аҳолида соғлом тиббий маданиятнинг шаклланишига эришилди. *Иқтисодий самарадорлиги:* болаларда билирубин энцефалопатиясининг асоратларини олдини олишда келтириб чиқарувчи омилларни ва хавф омилларини бартараф этиш орқали болалар церебрал фалажлиги, сенсоневрал карлик, психомотор ривожланишдан ортда қолиш каби асоратлари олдини олишга эришишга ёрдам берди. Бу эса ўз навбатида давлат бюджети маблағларини ногиронлик учун тўлов, болаларнинг ҳар 1 йилда стационарда 2 марта ётиб даволаниш, индивидуал ёки ихтисослаштирилган таълим тизимида ўқитиш учун ажратилган суммани камайтиришга имкон берди. *Хулоса:* чақалоқлар ва эрта ёшдаги болаларда билирубин энцефалопатиясини ривожлантирувчи энг муҳим этиологик сабаблари ва асосий хавф омилларини аниқлаш касалликнинг оғир кечишини ва асоратини олдини олишга имкон беради;

иккинчи илмий янгилик: чақалоқлар ва эрта ёшдаги болалар билирубин энцефалопатиясида неврологик бузилишларни баҳолаш BIND ва KSD шкаллари билан лаборатория кўрсаткичлар, яъни қондаги билирубин даражаси ўртасидаги корреляцион боғланишлари асосида эрта ташхислаш, хавфни стратификация қилиш, беморларни динамик ва клиник жиҳатдан прогнозлаш аҳамияти аниқланганлиги бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академияси Термиз филиали Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 17 октябрда №83/24 билан тасдиқланган «Неонатал ва постнатал даврдаги болаларда билирубин энцефалопатиясининг ташхислаш усуллари» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникасида 29.12.2024 йилдаги №179 сонли буйруғи билан ва Сирдарё туман тиббиёт бирлашмасининг 23.10.2024 йилдаги №901-9-128-ТБ/2024 сонли буйруғи билан амалиётга жорий этилган. (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурдаги Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 22 майдаги №18/66 сонли хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* билирубин энцефалопатиясини ўтказган болаларда клиник-неврологик ҳолати ва психомотор ривожланишини динамик ва клиник жиҳатдан прогнозлаш ва асоратларини олдини олиш болалардаги психомотор ривожланишдан ортда қолишини аниқлаш, ногиронликни олдини олиш, жамиятда уларнинг ижтимоийлашувига ва соғлом турмуш тарзини тарғиби учун катта аҳамият касб етади. *Иқтисодий самарадорлиги:* болаларда билирубин энцефалопатиясининг оғир кечишининг асорати болалар церебрал фалажлигининг гиперкинетик шакли ҳисобланади ва бундай болалар учун болалиқдан ногиронлик белгиланади. Давлат бюджети томонидан ҳар йили 11280000 сўм ажратилади. Касалликнинг эрта ташхислаш ва асоратини олдини олиш ҳар бир бемор учун 11280000 сўмни тежаш имконини беради. Хусусан, чақалоқлар ва эрта ёшдаги болаларда билирубин энцефалопатиясини эрта аниқлаш, касалликларнинг ўзига хос хусусиятларини тушунтириш ва жамиятда профилактик тадбирлар ва пренатал скрининг орқали амалга оширилди ва 1 нафар бемор учун йилига 11280000 сўм тежаш имконини беради. *Хулоса:* чақалоқлар ва эрта ёшдаги болаларда билирубин энцефалопатиясининг клиник-неврологик ҳолати ва оғирлик даражасини эрта

ташхислаш асоратларини олдини олиш ва соғлом турмуш тарзини шакллантиришга имкон беради;

учинчи илмий янгилик: клиник-неврологик (BIND, KSD), нейрофизиологик (НСГ, ЭЭГ) ва нейробиокимёвий (NSE, S100) кўрсаткичлари асосида чақалоқларда билирубин энцефалопатиясининг ривожланишида марказий асаб тизими зарарланишини ифодаловчи дастлабки прогностик маркёрлар аниқланганлиги бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академияси Термиз филиали Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 17 октябр №83/24 сон билан тасдиқланган «Неонатал ва постнатал даврдаги болаларда билирубин энцефалопатиясининг ташхислаш усуллари» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникасида 29.12.2024 йилдаги №179 сонли буйруғи билан ва Сирдарё туман тиббиёт бирлашмасининг 23.10.2024 йилдаги №901-9-128-ТБ/2024 сонли буйруғи билан амалиётга жорий этилган. (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 22 майдаги №18/66 сонли хулосаси). *Ижтимоий самарадорлиги:* билирубин энцефалопатиясини эрта ташхислаш ва бош мия зарарланиш даражасини аниқлаш ёрдамида жамиятда ногиронликни камайтиришга, болалардаги рухий ва нутқий ривожланишдан ортда қолишни олдини олиш эса уларнинг жамиятда ўз ўрнини топиши, ижтимоий мослашувига, соғлом оилавий муҳитни тарғиб қилиш имконини беради. *Иқтисодий самарадорлиги:* болаларда билирубин энцефалопатиясини оғирлик даражасини эрта аниқлаш унинг асоратларини аниқлашга қаратилган текширувлар маблағини тежаш имконини беради. Билирубин энцефалопатиясини оғир шаклини ўтказган 1 нафар болани ташхислаш учун ўрта ҳисобда 975000 сўм пул сарфланади. Шундай экан асоратини олдини олиш, кўшимча текширувларни талаб қилмайди. Давлат бюджети ва оила бюджети томонидан 975000 сўм молиявий томондан сарфланишини олдини олишга эришилади. *Хулоса:* чақалоқлар ва эрта ёшдаги болаларда билирубин энцефалопатиясини эрта ташхислаш, асоратларини олдини олиш бўйича кўрсатмалар ва лаборатор мезонлар орқали бажарилди ва 1 нафар бемор учун 975000 сўм иқтисод қилиш имконини берди;

тўртинчи илмий янгилик: чақалоқлар ва эрта ёшдаги болаларда билирубин энцефалопатиясининг ривожланиш хавф омиллари, клиник-неврологик ва нейробиокимёвий кўрсаткичлар асосида эрта ташхислаш мезонларини такомиллаштириш аниқланганлиги бўйича таклифлар Тошкент тиббиёт академияси Термиз филиали Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 17 октябр №83/24 сон билан тасдиқланган «Неонатал ва постнатал даврдаги болаларда билирубин энцефалопатиясининг ташхислаш усуллари» номли услубий тавсиянома мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникасида 29.12.2024 йилдаги №179 сонли буйруғи билан ва Сирдарё туман тиббиёт бирлашмаси бўйича 23.10.2024 йилдаги №901-9-128-ТБ/2024 сонли буйруғи билан амалиётга жорий этилган. (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 22 майдаги №18/66

сонли хулосаси) *Ижтимоий самарадорлиги*: билирубин энцефалопатиясини эрта аниқлаш учун тузилган мезонлар орқали касалликни эрта аниқлаш натижасида касалликнинг оғир асоратлари билан касалланишни камайтиришга имкон берди. Жамиятда болалар орасида ногиронликни камайтиришга ва ҳаёт сифатини яхшилашга олиб келди. Шунингдек, соғлом турмуш тарзи ва оила саломатлигини таъминлади. *Иқтисодий самарадорлиги*: болаларда билирубин энцефалопатиясининг эрта аниқлаш учун -300000 сўм маблағ сарфланса, кеч ташхислаш ёки асоратланган шаклини ташхислаш учун эса ҳар бир болага ажратилган сумма 975000 сўм сарфланади. Эрта аниқлаш ва кеч аниқлаш ўртасидаги иқтисодий фарқ 675000 сўмни ташкил қилади. *Хулоса*: эрта аниқлаш натижасидаги иқтисодий самарадорлик 675000 сўмни ташкил қилди, бу эса давлат бюджети ва оиланинг молиявий ҳаражатларини камайтиришга олиб келди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 9 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 7 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 23 та илмий ишлар, 9 та мақола, жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган 7 та республика ва 2 та хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертация тузилиши ва ҳажми. Диссертация қуйидаги қисмлардан: кириш, бешта боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 114 бетдан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблигига ва муаммоларига асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, республикада фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгиликлари ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Чақалоқлар ва эрта ёшдаги болаларда билирубин энцефалопатиясининг клиник-неврологик хусусиятларига замонавий ёндашувлар**» деб номланган биринчи бобида билирубин энцефалопатиясининг клиник-неврологик хусусиятларига оид мунозарали масалаларни акс эттирувчи илмий манбалар маълумотлари келтирилган. Билирубин энцефалопатиясини ўтказган болаларда клиник-неврологик хусусиятларини оғирлик даражасини, эрта ташхислаш, даволаш ва профилактикасининг роли ва аҳамияти баён этилган.

Диссертациянинг «**Чақалоқлар ва эрта ёшдаги болаларда билирубин энцефалопатиясининг ташхислаш усуллари ва клиник материалларини**

тавсифлаш» деб номланган иккинчи бобида тажриба материалларининг умумий тавсифи, тадқиқотни ўтказиш усуллари ва қўлланилган материаллар батафсил баён этилган.

Тадқиқотда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, чақалоқлар ва эрта ёшдаги болаларда билирубин энцефалопатиясининг клиник-неврологик ўрганиш мақсадида Сурхондарё вилоят перинатал маркази, Вилоят болалар кўп тармоқли тиббиёт марказининг чақалоқлар патологияси ва чақалоқлар реанимацияси бўлимидаги 100 нафар бўлган чақалоқлар танлаб олинди. Билирубин энцефалопатиясининг давосини оптималлаштириш мақсадида асосий ва таққослаш гуруҳлари, ҳамда, соғлом болалар гуруҳлари -назорат гуруҳига олинди.

1-жадвал

Гуруҳлардаги болаларнинг антропометрик кўрсаткичлари

Гуруҳлар	Жинси	Ёши (кунларда)	Тана вазни	Бўйи
1-гуруҳ (n=17)	Ўғил- 3 Қиз -14	10,2±14,0	3734,1±734,6	51,5±3,4
2-гуруҳ (n=62)	Ўғил -30 Қиз -32	18,3±17,6*	3060,0±706,*6	52,8±3,8
3-гуруҳ (n=21)	Ўғил -9 Қиз -12	15,7±16,4*	2924,3±546,0**	54,3±3,4
	Ўғил -10 Қиз – 20	10,7±6,4	3789,3±46,0	51,3±3,1

Изоҳ: *гуруҳлардаги болаларда антропометрик кўрсаткичлар орасидаги фарқланиш ишончли (*-p<0,05, **-p<0,01)

Билирубин энцефалопатиясининг оғирлик даражаси BIND шкаласи асосида баҳоланди, унга кўра даражаси белгиланди ва гуруҳларга ажратилди:

1-гуруҳ беморлари: енгил даража билирубин энцефалопатия билан (n=17) BIND шкаласи (1-3) балл;

2-гуруҳ беморлари: ўрта даража билирубин энцефалопатия билан (n=62) BIND шкаласи (4-6) балл;


3-гуруҳ беморлари: оғир даража билирубин энцефалопатия билан (n=21) BIND шкаласи (7-10) балл; (1-жадвал).

Беморларда клиник (шикоятлари, касаллик анамнези, соматик ҳолати ва коморбид ҳолати ўрганилган), неврологик (неврологик ҳолати, билирубин энцефалопатиясининг клиник-неврологик хусусиятларини баҳолаш: BIND шкаласи (ўткир даврида) KSD шкаласи каби шкалалардан фойдаланилган. Шунингдек, текширувдаги болаларни 1ёшгача бўлган даврда неврологик ҳолати динамикаси ва психомотор ривожланишини аниқлаш мақсадида болалар ҳаётининг 1 ойлигида, 6 ойлигида ва 12 ойлигида амбулатор кўрик ўтказилди. Психомотор ривожланишини баҳолашда эса Бейли шкаласидан фойдаланилди.

Лаборатория текширувлари: қон умумий таҳлили, билирубин ва унинг фракциялари билирубин интоксикациясини даражаси ва кечиши асоратини белгилаб беради. Шунингдек, марказий нерв тизимининг зарарланишини ва гематоэнцефалик тўсиқнинг ҳолатини баҳолайдиган нейронспецифик

оксиллар NSE ва S100 оксилларининг миқдори аниқланди. Текширувлар Тошкент тиббиёт академияси Биотиббиёт илмий текшириш марказида олиб борилди. Марказий нерв системасининг зарарланиш даражасини баҳолашда нейросонография усулидан фойдаланилди. ЭЭГ орқали бош мия ярим шарларидаги биоэлектрик ритмлардаги ўзгаришлар аниқланди. Тадқиқот натижаларининг статистик таҳлили вариацион статистик усуллар асосида нопараметрик кўрсаткичлар ёрдамида амалга оширилди.

Диссертациянинг «**Чақалоқлар ва эрта ёшдаги болаларда билирубин энцефалопатиясининг клиник-неврологик хусусиятлари**» деб номланган учинчи бобида беморларни текшириш натижалари келтирилган. Чақалоқлар ва эрта ёшдаги болаларда билирубин энцефалопатиясига олиб келувчи перинатал хавф омиллари ўрганилди. Шунини таъкидлаш керакки, оғир билирубин энцефалопатияси бўлган янги туғилган чақалоқлар гуруҳида хомиладорлик даврида хавф омиллар устунлик қилган.




1-расм. Беморларнинг онасида хомиладорлик даврида кузатилган касалликларнинг кўрсаткичлари

Бачадон тонусининг ошиши (61,9%), фетоплацентар қон оқимининг етишмовчилиги (47,1%), амниотик суюқликнинг ифлосланиши (57,1%), йўлдошнинг эрта кўчиши (47,6%) ва киндик ўкига 2 марта ўралиши (71%), ўрта даражадаги билирубин энцефалопатияси бўлган янги туғилган чақалоқлар гуруҳида худди шу омиллар устунлик қилган, аммо фоизларда камроқ ифодаланган (мос равишда 46,8%; 50%; 50%; 17,7% ва 56,5%).

Тадқиқотимиз натижасига кўра, онанинг касалликлари хомиладорлик даврига ва боладаги билирубин энцефалопатиясининг ривожланишига туртки бўлиши аниқланди. 3-даражали анемия 3-гуруҳдаги янги туғилган чақалоқлар оналарининг 90,5% да ва 2-гуруҳдаги янги туғилган чақалоқларнинг онасида 56,5 фоизида билирубинли энцефалопатиянинг ўртача даражасида кузатилди.


Оғир билирубин энцефалопатияси бўлган 3-гуруҳда TORCH инфекцияси 69,1 % оналарда, 2-гуруҳда эса мос равишда 69,3 % оналарда кузатилган,

преэклампсия 33,9 % (n=23) ташкил қилди Яна шу нарсани қайд қилишимиз лозимки, Covid-19 вируси билан ҳомиладорлик даврида касалланган оналарнинг фарзандларида УБ-250 мкмол/л дан 280 мкмол/лгача бўлган ораликда билирубин энцефалопатиясининг ўрта оғир даражада ривожланиши ва узоқ чўзилиши кузатилди, (1-расм).



2-расм. Гуруҳларларда онаси сўзидан болалардаги шикоятлари

2-расмга кўра, барча касалларда кузатиладиган асосий симптомлар она сўзидан, болаларда асосий шикоятларнинг кўпайиши ва кучайиши сариқлик аломатлари, қондаги билирубин миқдори ва организмнинг реактив ҳолати билан боғлиқлиги кузатилди. Болаларда эмишининг сустиги, безовталик, иякдаги қалтироқ, бошини орқага ташлаш, уйқусининг бузилиш белгилари кучлироқ намоён бўлди.



3-расм. Гуруҳларда чақалоқлар ва эрта ёшдаги болаларнинг физиологик рефлексларининг хусусиятлари

3-расмдаги маълумотларга кўра, болалаларда кузатиладиган асосий неврологик ўзгаришлар уларнинг бошқа касалликлар фониди гипербилирубинемиянинг марказий нерв системасига таъсири кучайишини кўрсатди. 3-гурухда орал автоматизм рефлексларининг сустиги энг юқори даражада кузатилди (76,2%). Айниқса гипербилирубинемиянинг даражаси ошгани сари орал автоматизм рефлексларининг сустиги якқол намаёнлиги кучайиб борди. Янги туғилган чақалоқлар рефлексларининг сусти намаён бўлиши мушаклар тонусининг ўзгариши билан узвий боғланганлиги кузатилди. Шу сабабли спинал автоматизм рефлекслардаги ўзгаришлар кузатилди.

2-жадвал

Гуруҳлардаги чақалоқлар ва эрта ёшдаги болаларда ҳаракат бузилишларининг хусусиятлари

Симптомлар	1 гуруҳ n=17		2- гуруҳ n= 62		3- гуруҳ n= 21	
	n	%	n	%	n	%
Ретроколлис	0	0,0	7	11,3	14	66,7**
Опистотонус	0	0,0	4	6,5	9	42,9*
Бошни орқага ташлашга	6	35,8	46	74,2*	16	76,9**
Мушак тонуси гипотонияси	5	29,4	36	63,7*	5	23,8*
Мушак гипертонуси	7	41,2	10	16,3*	9	42,9*
Мушак дистонияси	5	29,4	16	26,7*	7	33,3*
Гиперрефлексияси	11	64,7*	58	93,5*	19	90,5*
Анизорефлексияси	0	0,0	1	1,6	3	14,3

Изоҳ:*гуруҳлардаги болаларда ҳаракат бузилишлари орасидаги фарқланиши ишончли (*-p<0,05, **-p<0,01)

2-жадвал маълумотларига кўра, гуруҳлардаги болаларда ҳаракат бузилишлари якқол намаён бўлди, бузилишларнинг намаён бўлиш даражаси бевосита билирубиннинг қондаги миқдори ва нерв системасининг зарарланишига боғлиқ ҳолда ўзгариши кузатилди.

Билирубин энцефалопатиясининг оғир даражасида BIND шкаласида (6,7±2,8) бўлган болалаларда ҳаракат бузилишларининг ретроколлис ва опистотонус, мушак тонуси гипертонияси ва ҳаракат фаолиятининг бузилиши кузатилди. 3-гурухда ретроколлис 66,7%, опистотонус 42,9%, бошини орқага ташлаш 76,9 % каби симптомлар фарқли равишда кузатилди (p<0,01).

Кузатувларга кўра, болалаларда кузатиладиган асосий неврологик статусдаги ўзгаришлар 3-гурух чақалоқларида БМН патологияси учради. Вегетатив бузилишлар ҳамма 3та гуруҳ чақалоқларида: лаб атрофи акроцианози 94,1% ҳолатда, тери рангининг мармарсимонлиги 64,7% беморларда кузатилди (p<0,01).


Болаларда билирубин энцефалопатиясини оғирлик даражасини баҳолашда Крамер, BIND, KSD шкалалари орқали баҳоланди. BIND шкаласи 1 ва 2 гуруҳларида энгил билирубин энцефалопатиясини ўтказган беморларда KSD шкаласи кўрсаткичи (4,5±1,9) сурункали билирубин энцефалопатиясини ривожланмаслигини кўрсатди (KSD шкаласи <5 гача бўлса ўзак сариқлиги белгилари йўқлигини кўрсатади), 3-жадвалга қаранг.

Гуруҳларда беморлардаги билирубин энцефалопатиясининг оғирлик даражасини баҳолашда шкалалар кўрсаткичлари

Гуруҳлар	Апгар шкаласи бўйича ўртача балл		BIND шкаласи бўйича ўртача балл	Крамер шкаласи бўйича ўртача балл	KSD шкаласи бўйича ўртача балл
	1-дақиқа	5-дақиқа			
1-гуруҳ (n=17)	6,94±0,24	8,94±0,24	3,0±0,0	4,6±0,6	3,4±0,7*
2-гуруҳ (n=62)	6,01±0,89	7,01±0,44	6,7±0,8*	4,5±0,6	4,5±1,9
3-гуруҳ (n=21)	5,2 ± 0,5	6,71±0,46	7,7±1,2*	4,7±0,7	8,8±1,7**
Назорат гуруҳи	7,94±0,24	8,94±0,24			

Изоҳ: *гуруҳлардаги чақалоқлардаги билирубин энцефалопатиясини баҳоловчи шкалалар кўрсаткичлари орасидаги фарқланиш ишончли (*-p<0,05, **-p<0,01)

Эрта ёшдаги болаларда психомотор ривожланишини Бейли шкаласида баҳоланганда 2-гуруҳ (n=62) болалар орасида эса сезиларли психомотор ривожланишдан ортда қолиши кузатилди. Амбулатор кўрик давомида 100% болалаларда 1-ойлигида РРИ ва ПМРИ индексининг 83,3±10,8 ни ташкил қилди ва психомотор ривожланишдан ортда қолиши кузатилди. Болалар орасида руҳий ривожланиш индекси орқада қолиши 2-гуруҳ болалар орасида 70 % 1-ойлик кўрикда аниқланди, 6-ойлик кўрикда улардан 36.9% руҳий ривожланиш индекси нормал кўрсаткичга ега бўлди. 3-гуруҳ болаларнинг РРИ ва ПМРИ индекси 69,6±11,6 ни ташкил қилди ва яққол даражадаги психомотор ривожланишдан ортда қолиши кузатилди (4-расм).



4-расм. Чақалоқлар ва эрта ёшдаги болаларнинг психомотор ривожланишини Бейли шкаласидаги миқдорий кўрсаткичлари

4-жадвал маълумотларига кўра, билирубин энцефалопатиясининг кечишининг оғирлик даражасида қондаги билирубин миқдори ошган сари клиник-неврологик белгилари кучайиб боради ва оғир билирубин энцефалопатия ўтказган болаларда психомотор ривожланишдан ортда қолиш даражаси яққол намоён бўлади.

4-жадвал

Билирубин миқдори ва Бейли, BIND ва KSD шкалалар кўрсаткичлари аро корреляцион боғланишлар

	г-Пирсон корреляцияси	
Билирубин +BIND	г-Пирсон=0,61 p<0,01	Ўртача тўғри корреляцион боғланиш
Билирубин +KSD	г-Пирсон=0,55 p<0,01	Ўртача тўғри корреляцион боғланиш
Билирубин + Бейли	г-Пирсон=0,35 p<0,01	Суст корреляцион боғланиш
KSD+Бейли	г-Пирсон=-0,74 p<0,01	Кучли тескари корреляцион боғланиш

Диссертациянинг «**Чақалоқлар ва эрта ёшдаги болаларда билирубин энцефалопатиясининг клиник-лаборатор ва инструментал текширув мезонлари**» деб номланган тўртинчи бобда клиник-лаборатор, инструментал текширув натижалари баҳоланган.

5-жадвал

Билирубин энцефалопатиясида қоннинг умумий таҳлили ва билирубиннинг гуруҳлардаги миқдори

Кўрсаткичлар	1-гуруҳ	T	2-гуруҳ	T	3-гуруҳ	T	Назорат гуруҳи
Гемоглабин г/л	131,1±17,3	T=2,45 p>0,05	106,0± 19,2**	T=18,8 p<0,01	115,8± 20,5**	T=17,7 p<0,01	156,3±12,8
Ранг кўрсаткичи	0,88±0,08	T=11,0 p<0,05	0,89± 0,11*	T=8,6 p<0,05	0,88± 0,19*	T=9,8 p<0,05	0,98±0,05
Эритроцитлар x10 ¹² /л	3,71±0,42	T=1,6 p>0,05	3,54± 0,45	T=1,7 p>0,05	4,14± 1,7*	T=5,0 p<0,05	4,93±0,37
Лейкоцитлар x10 ⁹ /л	7,82±4,07	T=0,8 p>0,05	7,49± 2,38*	T=8,0 p<0,05	9,24± 3,14*	T=11,2 p<0,05	6,56±1,6
ЭЧТ	8,21±1,48	T=5,6 p<0,05	8,37± 1,14	T=0,05 p>0,05	9,17± 2,76*	T=3,1 p<0,05	4,93±2,2
УБ мкмол/л	292,3±59,2*	T=10,1 p<0,05	318,3± 85,3**	T=34,0 p<0,01	446,3± 148,1**	T=33,5 p<0,01	107,5±16,4

Изоҳ:*гуруҳлардаги чақалоқлардаги билирубин энцефалопатиясида қон умумий таҳлили ва билирубин кўрсаткичлари орасидаги фаркланиш ишончли (*-p<0,05, **-p<0,01)

5-жадвал маълумотларига кўра, гуруҳлардаги болаларда қоннинг таҳлилига асосан билирубин миқдори ортган сари гемоглабин миқдори гуруҳларда камайиши кузатилди. Юқоридаги кузатувларга кўра анимеянинг оғир даражаси бўлган болалар орасида оғир билирубин энцефалопатияси ривожланишини кузатилди (p<0,01). NSE ва S100 энг юқори кўрсаткичлари 3-гуруҳдаги ЧГК ўтказган болаларда асосан анимеянинг 2-3 даражаси, ҳомила ичи инфекция билан касалланган болалар орасида кузатилди: NSE-54,0±15нг/мл, S100-1,42±0,59 нг/мл (p<0,01).

Билирубиннинг бош миёга токсик таъсири қондаги миқдори билан узвий боғлиқ, аммо ҳомила ичи инфекция, асфиксия ва анемия ўтказган болаларда УБ-260,8±52,6 мкмол/л бўлганда ҳам билирубин энцефалопатияси ривожланишига олиб келди. (6-жадвал)

6-жадвал

Оғир билирубин энцефалопатияда болаларнинг ёндош касалликларида билирубин, NSE ва S100 кўрсаткичларининг хусусиятлар

	Ёндош касаллик	n=21	%	Билирубин	NSE	S100
1	Неонатал сариқликнинг чўзилиши	5	23,7	405,0±158,7	47,4±16,6*	1,22±0,60*
2	ЧГК сариқлик шакли	16	76,6	567,9±90,5	45,5±9,0**	1,10±0,28**
3	АБО номутаносиблиги	5	23,8	451,4±56,9	47,2±11,8	1,00±0,15
4	Резус омил номутаносиблиги	11	52,3	494,9±117,8	51,3±6,5**	1,21±0,36**
5	Камқонлик 1 даражаси	4	19,1	357,0±113,4	41,3±18,3	1,02±0,3
6	Й.Т.Н.Қ.А.Т.Н.	3	14,3	391,6±210,9	46,0±23,9	1,32±0,59
7	Ҳомила ичи инфекция	12	57,1	351,9±180,0	54,0±15,8**	1,42±0,59**
8	Неонатал сепсис	7	33,3	491,6±63,4	73,0±12,3**	2,26±0,42**
9	ДВС синдроми	2	9,5	510,0±353,6	69,0±25,5	1,95±0,78
10	Анемия 2-3 даражаси	11	58,5	435,8±207,9	54,2±20,9**	1,31±0,67**
11	Кефалогематома	1	4,8	309,0±0,0	34,0±0,0	0,987±0,0
12	Ноаниқ этиологияли сариқлик	7	33,8	427,1±68,8	44,5±6,5	1,06±0,2
13	Асфиксия	4	19,1	353,7±66,7	37,9±5,4	0,96±0,14

Изоҳ: *гуруҳлардаги чақалоқлардаги ёндош касалликларда билирубин, NSE ва S100 кўрсаткичлари орасидаги фарқланиш ишончли (*-p<0,05,**-p<0,01)

Шуни таъкидлаш керакки, NSE ва S100 оксиленинг таркиби назорат гуруҳининг кўрсаткичларидан фарқ қилди ва билирубин энцефалопатиясининг кучайиши билан ортиб борди, оғир БЭ билан оғриган болаларда нерв хужайралари даражасидаги зарар кўпроқ намоён бўлади, бу эса болаларда нормал психомотор ривожланиш кўрсаткичларидан ортда қолишини тушунтиради (7-жадвал).

7-жадвал


Чақалоқлар ва эрта ёшдаги болаларнинг қонидаги нейронспецифик оксилларнинг кўрсаткичлари

Кўрсаткичлар	I гуруҳ	T	II гуруҳ	T	III гуруҳ	T	Назорат гуруҳи
NSE	31,7±7,48	T=13,0 p<0,01	36,4±10,6*	T=27,2 p<0,01	48,1±14,9 **	T=21,1 p<0,01	12,2±3,3
S100	0,8±0,09*	T=33,5 p<0,01	0,86±0,21**	T=7,8 p<0,01	1,24±0,51**	T=31,1 p<0,01	0,11±0,03

Изоҳ: *гуруҳлардаги чақалоқлардаги ёндош касалликларда билирубин, NSE ва S100 кўрсаткичлари орасидаги фарқланиш ишончли (*-p<0,05,**-p<0,01)

5-расмдаги маълумотларига кўра, билирубин энцефалопатияси билан касалланган болаларда нейросонографик ўзгаришлар кузатилади.

Бош мия тўқималаридаги ўзгаришлар ўз навбатида билирубин энцефалопатиясининг оғирлик ва МНСПЗ даражасига боғлиқ ҳолда кузатилди.



5-расм. Билирубин энцефалопатиясида бош миянинг структур ўзгаришларини асосий нейросонографик текширувларининг кўрсаткичлари

Бош миянинг нейросонографик ўзгаришларида билирубин энцефалопатиясига хос бўлган ўзгаришлардан: таламус, базал ганглий ва миячадаги эхоген ўзгаришлар 1-гурухда аниқланмади, 2-гурухда эса билирубин энцефалопатиясининг ўрта даражадаги кечишида 22,2%, оғир даражадаги билирубин энцефалопатия ўтказган болаларда эса 15 нафарда (71,4%) аниқланди ($p < 0,01$).

8-жадвал

Эрта ёшдаги болаларда билирубин энцефалопатиясида бош миянинг биоэлектрик фаоллигининг хусусиятлари

	1-гурух			2-гурух			3-гурух		
	N	%	УБ мкмол/л	N	%	УБ мкмол/л	N	%	УБ мкмол/л
Нейрофизиологик ритмларнинг етилганлиги	14	82,3	279,0±21,7*	37	60%	288,9±68,58*	6	28,5	298,0±0,0
Уйқу урчуклари ва вертексларининг ҳосил бўлишининг бузулиши	3	17,6	326,9±60,6	17	27,41	338,6±93,3	15	71,2	447,3±151,9**
Фокал эпилептиформ фаоллик	0	0	0,0 ± 0,0	1	1,6	360,0±93,1	4	19,1	453,7±119,5*
Диффуз секин тўқинлар кузатилиши	0	0	0,0 ± 0,0	12	19,3	333,3±78,0	9	42,8	643,9±108,5*
